

## ТИЛ БИЛГАН - ЭЛ БИЛАДИ

**Юлдашев Салохиддин Азамович**  
**Қўқон университети Таълим кафедраси Ўқитувчиси**

**Аннотация:** Тил ўрганишнинг афзаликларини уни мукаммал ўзлаштиргунча билиб бўлмайди. Бунинг учун хоҳиш, ирода ва меҳнат талаб қилинади, бирор бир хорижий тил ўрганиш жараёнида, инсон ўша халқнинг тарихи, турмуш тарзи ва маданияти билан яқиндан танишади.

**Калит сўзлар:** Хорижий тил, грамматика, сўз, арабий тил, ҳазил, диалог, тарих, халқ, маданият, интернет, равон сўз, тарих.

Ҳар бир тил ўзига хос жиҳати билан бир-биридан фарқ қиласди. Ўзимизнинг ўзбек тили сингари бошқа тиллар ҳам ўз миллати, халқининг тарихини акс эттиради. Тил, аввало, алоқа воситаси ҳисобланади, аммо бу фақатгина кундалик юмушларда қўлланиладиган сўзларни билибгина тилни тўлиқ ўзлаштиридим деб бўлмайди. Тил ўрганишнинг афзаликларини уни мукаммал ўзлаштиргунча билиб бўлмайди. Бунинг учун хоҳиш, ирода ва меҳнат талаб қилинади, бирор бир хорижий тил ўрганиш жараёнида, инсон ўша халқнинг тарихи, турмуш тарзи ва маданияти билан яқиндан танишади. Бу тил ўрганишнинг биринчи кунидаёқ сезилмаслиги мумкин, бироқ унга чуқурроқ кириб, мукаммал эгаллаган сари унинг афзаликлари, фойдаси, инсон ҳаётида катта аҳамиятга эга эканига ишонч ҳосил қиласди киши.

Замонамиз психологлари хорижий тилини ўрганиш инсон характерини ҳам қисман ўзгартиришини таъкидлашмоқда. Хорижий тилларини ўрганиш кундалик ҳаётимизда ҳам катта фойда беради. Ҳозирги кунда деярли барча интернет тармоқларидан кенг фойдаланади. Бунда ҳеч бўлмагандан икки хорижий тилни ўрганиш лозим бўлади. Масалан, асосан кўпчилик бир тилни билса, интернетдан зарур ахборотни топиш учун шу тилдан фойдаланади, лекин агар улар бир неча тилни билсалар, маълумот танлашнинг қамрови бир неча ўн баробар кенгроқ бўлади. Шунингдек, биз техника аслида яшамоқдамиз, яъни ахборот-технологиялар асли. Бу дегани, оддий компьютердан толик фойдаланиш учун ҳам баъзи тилларни билиш талаб этилади.

Кундалик ҳаётда Хорижий тили катта аҳамиятга эга деган фикримизнинг исботи сифатида яна шуни қўшимча қилишимиз мумкин-ки, хорижий тилни билиш севиб томоша қиласдиган фильм ва сериаларимизни асл ҳолида кўришимиз, севимли актёрларимизнинг ўз овозини эшлишишимиз имконини беради. Бундан ташқари мазкур тилда кўп қўлланиладиган сўзлар, ҳазиллар, диалоглар орқали янада бири ортади, сўз бойлиги ошади. Шу билан бирга хорижий тилдаги қўшиқларни шунчаки эмас, балки мазмун-моҳиятини тушуниб эшлиши имкони мавжуд бўлади.

Тил ўрганиш инсон фикрлаш қобилиятини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради, масалага ҳар томонлама ва тўғри ёндашишга ёрдам беради. Олимларнинг тадқиқотига кўра, бир хорижий тилни мукаммал тўлиқ ўзлаштирган инсоннинг мияси кўпроқ ривожланган бўлади ва улар иккинчи ва учинчи тилларни ўзлаштириш анчайин осонлашади.

Баъзи Европа мамлакатларида ўз мутахассислигидан ташқари ҳар бир билган хорижий тили учун маошга қўшимча ҳақ тўлаб берилар экан. Тил билган кишилар иш топишда ҳам қийналмайдилар. Ҳозирги замонавий оламда тил билиш сув ва ҳаводек зарур. Хорижий тилларини билган инсонлар мантиқий фикрлашини ўстиради ва муаммо ёки масалани ечишда қийналмайдилар.

Тил фақатгина сўзлар таркиби эмас, балки илм конидур. Тил ўрганиш жараёнида инсон нафақат грамматика, балки кўплаб бошқа соҳаларни ҳам ўрганади. Яна қўшимча тарзида шуни айтиш лозимки, тил ўрганиш нутқни ўстиради, равон сўзлашда, нотиқ бўлишда ва сўз бойлигини оширишда катта ёрдам беради.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўзбек алломалари-ю, буюк шоир мутафаккирларимиз азалдан тил ўрганишга катта эътибор берганлар ва камида икки тилни мукаммал эгаллаганлар. Мисол қилиб келтирадиган буюк шоиримиз Алишер Навоий ўз ижодини бир неча тилларда олиб борган. Ўз тилидан ташқари форс, тожик, туркий тилларда ҳам кўплаб асарлар яратган. Навоийнинг сўз бойлиги жуда кенг бўлган. Буни унинг машхур "Хамса" достонларида ҳам кўришимиз мумкин. Бу асада Навоий туркий, форсий, арабий сўзлардан ташқари юонон, ҳинд ва бошқа тилларга хос номлар ва атамалардан кенг фойдаланган. Яна бир "Девони Фоний" асари ҳам форс тилида битилган бўлиб, Навоий кўплаб ўз ижодларида Фоний, яъни форсча "ўткинчи" тахаллусидан фойдаланган. Навоий нафақат хорижий сўзларни билган, балки уларни шеърий шаклда ва вазнларда, ғазал коринишларида мукаммал тарзда қўллай олган. Бунга мисол қилиб "ширу шакар" асарларини келтиришимиз мумкун. Дастрлаб "ширу шакар" ҳақида тушунчага эга бўлиш лозим. "Шир" бу тожикча сўз бўлиб "сут" деган маънени беради бу "ширу шакар" икки унсурдан, яъни икки хил тил ёрдамида яратилган асарга нисбатан айтилади. Ширу шакар мумтоз адабиётимизда кўпроқ тожик ва ўзбек тилида битилган асарлардир. Баъзида ширу шакарлар уч хил тил, масалан, тожик, араб, ўзбек тилларидан фойдаланиб яратилган асарларга "шахди ширу шака" номи берилган.

Бундай асарларда фақатгина хорижий сўзлар эмас, балки мазкур тиллардагина қўлланиладиган ибора ва тўлиқ гаплардан ҳам фойдаланилган холлар ҳам учрайди. Бундай асар турларини ўрганишдан мақсад хорижий тил билиш шеъриятда ҳам катта имконянятлар эшигини очиши мумкин.

Тарихдан узоқлашамаган ҳолда Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг 1913-йилда ёзган "Икки эмас, тўрт тил керак" номли мақоласи ҳақида сўзлаб ўтсак. Бу мақолада ҳам тил ўрганишнинг аҳамияти, катта фойдаси, шу жумладан қайси тил нима учун даркорлиги айтиб отилган. Мақола Туркистон мавжудлиги даврида ёзилганлиги сабабли унда асосан туркий, форсий, арабий ва рус тилларига урғу берилган. Масалан, туркий, яъни ўзбек тилини билиш зарур дейилган, чунки алоқа воситаси сифатида Туркистонда аҳоли асосан шу тилдан фойдаланга.

Арабий тилни билишнинг сабаби ва зарурати динга бориб тақалади. Диний таълимот, мадрасалардаги дарслар, суралар ва бошқалар араб тилида ўқитилганлиги сабаб, бу тилни ҳам билиш зарурлиги таъкидланади. Русий тилга келсак, арабий тил дин учун қанчалик аҳамиятга эга бўлса, русий тил ҳам дунёвий илмларда шунчалик катта аҳамиятга эга ҳисобланган. Мазкур даврнинг мактаб, мадрасаларида ўқув дарслклари форс тилида бўлганлиги сабаб, бу тил ҳам муҳим ўрин тутган.

Бу фақатгина ўша даврга хос эмас балки бугунги кунимизнинг ҳам долзарб масаласидир. Солиширадиган бўлсак, ҳудди ўша пайтдагидек хозир ҳам диний таълим олиш учун араб тилини ўрганиш талаб этилади. Халқаро алоқалар олиб бориш, компьютер технологияларидан фойдаланиш, интернет ва ижтимоий тармоқлардан эркин фойдаланиш учун рус ва инглиз тилларини мукаммал билиш хозирги замон талабидир.

Аваз Ўтарнинг тил билишга бағишлиланган "Тил" шеърига ҳам тўхталсак:

*Ҳат тилни билув эмди бани одама жондор,*

*Тил воситаи робитаи оламиёндор.*

Ушбу сатрларда ҳар бир инсон тил ўрганиши лозимлиги, шунингдек тил оламни билиш воситаси, яъни илмлар қалити сифатида таърифланган.

*Қайри тилни саъй қилинг биргали, ёшлар,*

*Ким илму ҳунарлар билонки андин аёндур.*

Ёшларга ғайри, яъни хориж тилини ўганишга даъват сифатида битилган бу сатрларда тил билган киши ҳар қандай қасб-хунарнинг сир-синоатидан воқиф бўлиши айтилган.

*Лозим сиза ҳар тилни билув она тилидек,*

*Билмакка они ғайрат этинг, фоуда кондур.*

Яъни ҳар тилни она тилидек мукаммал эгаллаш кони-фойда эканидир.

*Зор ўлмасун онлар доғи тил билмай Аваздек,*

*Тил билмаганидин они бағри тўла қондур.*

Муаллиф тил ўрганмаган ҳар бир дақиқасига ачинган холда ҳар дақиқа оини илм ўрганишга даъвад этган.

Хорижий тил билиш – омадли инсонларнинг маълумотининг ажралмас қисмидир. Бу хозирги замонда деярли барча кадрлар бўлими анкеталарида мавжуд талабдир. Она тилидан ташқари бирор тил билган кишилар атрофдагиларда яхшироқ таасурот қолдира оладилар.

Бугун кунда тил билиш – яхши ишга жойлашишда хам асосий сабаблардан хисобланади. Шу боис катта ютуқларга эришишни истаган инсон, бир неча тилни эгаллашни ўз олдига мақсад қиласди.

Ҳозирги замон илм-фанига келсак, бизнинг мутахассислар, биринчидан, дунё илм-фани ривожидан беҳабар қолмасликлари ва бошқа давлатларда аллақачон яратилган кашфиётларга ортиқча куч сарфламасликлари, иккинчидан, бизнинг иқтисодий ривожланишимиз йўлида энг тежамли ва энг мақбул дунё миқиёсидаги технологиялардан фойдаланишлари лозим. Бундай дунё янгиликлари ва маълумотларидан хабардор бўлиш учун эса асл холдаги мақолаларни ўқиш, интернет тармоғидаги янгиликларни билиш талаб этилади. Яъни ҳар томонлама кўриб чиқилганда хам тил билиш зарур эканини гувоҳи бўламиз.

Булардан ташқари тил билишимиз исталган давлатга хизмат сафари ёки саёҳат юзасидан боришимизда бир қанча енгилликлар бериши мумкин.

Илм ўрганган киши ўз хақ-хукуқларини, мажбуриятларини, қобилиятларини ва чегара доирасини яхши билади.

Ҳозирги тинч ва барқарор замонда ҳалқаро ҳамдўстликни янада мустахкамлаш ишлари жадал суратда олиб борилмоқда. Бу мақсад йўлида қанчадан-қанча ҳалқаро ташкилотлар тузилган бўлиб, улар турли миллатлар ва ҳалқларни урф-одатларини, анъаналарини, мумтоз адабиётларини, миллий санъатини ўрганиш ва улаб билан тинишиш мақсадида турли тадбирлар ва фестиваллар ҳалқаро миқиёсда ўтказилади. Бунга мисол қилиб ҳар йили мунтазам ўтказиб келинаётган "Шарқ Тароналари" ҳалқаро фестивалини келтиришимиз мумкин. Унда барча ҳалқлар ўз миллатига хос миллий қўшиқлари билан қатнашадилар. Бундай байрамлар ҳалқлар орасидаги бирдамликни, миллатлараро тотувликни мустахкамлайди. Бу орқали миллат ва элатлар бир-бирларининг анъаналари, одатлари, миллий санъат турлари, ҳамда тили билан яқиндан танишадилар. Бундай ҳалқаро миқиёсдаги фестиваллардан яна бири Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳрида биринчи бора 2019 йилда ўтказилган "Ҳалқаро ҳунармандчилик фестивали" дир. Бу фестивалдан жуда кўплаб мамлакатлардан минглаб меҳмонлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари, саёҳатчилар таъриф буюрадилар. Биз уларни мамлакатимиз, шаҳарларимиз тарихи, анъаналаримиз, қадриятларимиз ва миллий ҳунармандчилигимиз билан яқиндан таништиришимиз



лозим бўлади. Бунинг учун эса асосий мавзийимиз бўлган тил билишнинг аҳамияти ҳақида сўз боради.

Хулоса қилиб айтканда, барча, хусусан ёшларимиз илм ўрганишда, изланишда тўхтамай юксак мақсадлар сари олға қадам ташлашлари лозим. Зеро ёшлар - давлат келажагидир!

**Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. -Т.: Ўзбекистон, 2017. - 490 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: Ўзбекистон, 2021. -464 б.
3. Қосимова О. Умумий кутубхонашунослик. -Т.:Ўқитувчи, 1994. -272 б.
4. kutubxona.uz
5. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
6. [www.natlib.uz](http://www.natlib.uz)